

МУРАТОВ Дониёр Маҳмадвалиевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди
doniyorhoji@mail.ru.

“ЗУЖОЖАТ АЛ-МАСОБИХ” АСАРИ ҲАДИС ТҶАМЪИ СИФАТИДА

ПРОИЗВЕДЕНИЕ “ЗУДЖАДЖАТ АЛ-МАСАБИХ” КАК СБОРНИК ХАДИСОВ

“ZUJAJAT AL-MASABIH” AND COLLECTIONS OF HADITH WHICH CONNECTED WITH THIS WORK

Аннотация: Мазкур мақолада ҳанафий олимларидан ҳисобланган Абул Ҳасанот Хайдарободий ва унинг «Зужожат ал-масобих» асари ҳақида маълумот беради. Ушбу асарга асос бўлган китоблар ҳамда «Зужожат ал-масобих», «Мишкот ал-масобих» каби манбаларнинг услуби ҳамда фикҳий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, мақолада ёритилган асарларнинг ҳадис тўпламлари тури ҳақида ҳам зикр қилинган. Кейинги асарларда ёзилган ҳадис китоблари ўзларидан олдин таълиф этилган манбаларга асосланганини кўриш мумкин.

Калит сўзлар: ҳадис, сунна, масобих, мишкот, фатво, фикҳ, мазҳаб, сунан.

Аннотация: В этой статье даются сведения об одном из ханафитских ученых Абул Хасанат Хайдарабоди и его труде «Зуджаджат аль-Масаби́х». Изучены труды, на которых основана эта работа, а также стиль и юридические аспекты таких источников, как «Зуджаджат аль-Масаби́х» и «Мишкат аль-Масаби́х». Также рассматривается тип сборников хадисов которые упомянуты в данном произведении. Можно отметить, что сборники хадисов написанные в более поздние века, были основаны на труды, написанных до них.

Ключевые слова: хадис, сунна, масобих, мишкот, масобих, фетва, фикх, мазхаб, сунан.

Abstract: This article provides information about Abul Hasanot Hyderabad, one of the Hanafi scholars, and his work "Zujojat al-Masabih". The sources on which "Zujojat al-Masabih" is based and the style and jurisprudential aspects of this work, as well as "Mishkat al-Masabih", have been studied. The type of hadith collections of the works covered in the article is also mentioned. It can be known that the books of hadith written in the following centuries are based on sources described before them.

Keywords: hadith, sunnah, masobih, mishkot, masobih, fatwa, fiqh, madhhab, sunan.

КИРИШ

Ҳадис илми ривожланиш босиқчида қўлаб адабиётлар пайдо бўлди. Илк ҳадис тўпламлари содда бўлсада, кейин муайян услубга асосланиб янги китоблар ёзилди. Аввалига муснад услубидаги, кейин мусаннаф услубидаги китоблар таълиф этилди. Илк китоблар ҳадис иснодлари билан келтирилган бўлса, вақт ўтгандан кейин аниқ бир китобга ёки бир неча асар асосида янги услубларда китоблар дунёга келди.

Бугунги кун глобаллашув жараёнида минтақага нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ахборотлар оқими шу билан бирга диний соҳа, хусусан ислом билан боғлиқ турли ахборотлар, фикрлар ҳаттоки инсонлар ўртасида ихтилоф пайдо қилувчи, юртимизда кенг тарқалган ҳанафий мазҳабида салбий муносабат билдирувчи фикрлар оқими ҳам кириб келди. Мазкур фикрлардан бири ҳанафий мазҳаби фикҳида ҳужжат сифатида ишлатиладиган ҳадислар заиф деб, мазҳабга ишончсизлик келтириб чиқариш, тарихда ҳам бўлганидек, ҳаракатлари ҳам бўлди. Бунинг натижасида олимлар янги услубда ҳадис китобларини ёзишга ҳаракат қилдилар ва унинг уддасидан чиқдилар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сўнги икки аср жараёнида Ҳиндистон ва Покистон ҳудудидан тафсир, ҳадис, фикҳ каби соҳаларга оид илмлар жуда ривожланди ва шунингдек, қўлаб олимлар етишиб чиққан. Улардан Муҳаммад Обид Синдий

(1190/1776-1257/1841), Ашраф Али Таҳонавий (1280/1863-1362/1943), Анваршоҳ Кашмирий (1292/1875-1352/1933), Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий (1310/1893-1394/1974) ва бошқа кўплаб ҳанафий мазҳиба фаолият юритган олимларни келтириш мумкин. Мана шундай муҳаддис олимлар орасида аллома саййид Абдуллоҳ Шох ибн саййид Музаффар Ҳусайн ибн саййид Яъқуб Абул Ҳасанот Қодирий Нақшбандий Ҳайдарободий (1292/1875-1384/1964) ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунончи бу олим муҳаддис, фақиҳ, катта аллома, буюк шайх, Дакан муҳаддиси каби номлар билан сифатланган бўлиб, асосан урду тилида асарлар таълиф этган. Олим муҳаддислар томонидан ривоят қилиб келтирилган ва шу билан бирга ҳанафийлар ҳужжат сифатида ишлатадиган ҳадислар жамланган «Зужоҷат ал-масобих» асарини муаллифи ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абул Ҳасанот Ҳайдарободийнинг катта бобоси Маккадан Ҳиндистонга кўчиб келган. Абул Ҳасанот Ҳайдарободий эса, 1292/1875 йили Ҳиндистоннинг жанубида жойлашган Ҳайдаробод шаҳрида таваллуд топган [1:1:1]. Отаси саййид Музаффар Ҳусайн ҳам ўша шаҳарнинг машҳур илм кишилардан бўлган.

Абул Ҳасанот Ҳайдарободий ёшлигида форс, урду ва араб тилларини ўзлаштиради. Кейин шайх Муҳаммад Форуқийда (Ҳайдарободдаги «Низомия» университети муассиси) нақлий ва ақлий илмларни ўрганади. Ҳадис илмини муҳаддис Абдурахмон Саҳоранфурий (ваф. 1346/1928 й.) ва бошқалардан ижозат олиш даражасигача ўрганади. Шунингдек, ўзидан кўплаб шогирдлар қолдиради.

Абул Ҳасанот Ҳайдарободийнинг халқий ва хулқий сифатлари ҳам гўзал бўлганини шогирдлари таъкидлаганлар. У ҳадис илмида шундай машҳурликка эришадики, ҳатто Ҳиндистон жанубида бу каби олим етишиб чиқмаганидан унга «Дакан муҳаддиси» лақаби берилган [1:1:1]. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки олим фақат ҳадис илмида эмас балки фикҳда ҳам етук мутахассис бўлган.

Олим 1384/1964 йили Ҳайдарободда вафот этган.

Муҳаддис Абул Ҳасанот Ҳайдарободий ўзидан кейин кўпгина китоб ёзиб қолдирган. Бироқ юқорида айтиб ўтилган «Зужоҷат ал-масобих» асарида бошқа барча асари урду тилида ёзилган. Урду тилида таълиф этилган китобларидан «Юсуф сураси тафсири», «Сулуки Нақшбандия», «Қиёматнома», «Гулзори авлиё», «Китоби муҳаббат», «Меъроҷнома», «Гулзори авлиё», «Қиёматнома» ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин [1:1:1].

«Зужоҷат ал-масобих» олимнинг араб тилида таълиф этган ягона асари ҳисобланади. Бу асарни ёзилишига шофейй олим Хатиб Табризийнинг (ваф. 742/1342 й.) «Мишкот ал-масобих» асари сабаб бўлган. Чунончи ҳанафийлар томонидан «Мишкот»га ўхшаш асар таълиф этилмаган эди. Абул Ҳасанот Ҳайдарободий Хатиб Табризийнинг китоби каби ҳанафий мазҳаби бўйича алоҳида асар ёзишни кўнглига тугиб қўяди, бироқ ўзини шу мақомга лойиқ кўрмайди. Зеро бир куни тушида Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўради, саломлашгандан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг илм ва ҳикмат бўлган кўксиларига қўлини қўяди ҳамда У Зот уни кучоқлайдилар. Бу солиҳ тушни яхшиликка йўйиб, китоб ёзишга киришади.

«Зужажа» асарида ҳар бир ҳадисни Расулуллоҳ (с.а.в.)га саловат айтиш билан ёзган ва бир неча омилларни эътиборга олган. Улардан энг асосийси бу, Хатиб Табризийнинг «Мишкот ал-масобих» асаридаги услубни тўлиқ кўчирган ва баъзи қўшимчаларни қўшган. Шунингдек, Хатиб Табризий шофейй мазҳабига мос ҳадисларни жамлаган бўлса, олим ҳанафий мазҳабига оид ҳадисларни жамлаган.

Юқоридаги икки услубга қўшимча тарзда, ҳанафий мазҳаби фақат раъй ва қиёс устига қурилган деган эътирозларни йўқотишни кўзлаган [1:1:1]. Шунинг учун асарда Қуръони карим оятлари, Пайғамбар суннати, саҳиҳ осорлар, тобейларнинг сўзлари, саҳиҳ бўлган нарсалар билан саҳиҳ қиёсга асосланганини келтирган.

Шунингдек, «Зужожат ал-масобих»да куйидаги услуб қўлланилган:

1. Ҳар бир китоб ва бобни ўша мавзуга оид Куръони карим оятлари билан бошлаган. Бу имом Бухорийнинг услуби ҳисобланади;

2. Аввал имом Бухорий ва Муслимларнинг «Саҳиҳ» асарларидан ҳадислар келтирган ва уларни «муттафақун алайҳи» деб берган. Кейин бошқа китоблардан ҳадисларни ёзиб, ҳадисларнинг даражасини кўрсатган. Китобда заиф ҳадислар бўлсада, улар жуда кам. Шунингдек, уларнинг бошқа иснод йўллари ҳам борки, шу сабабдан заиф ҳадислар ўша йўллар билан қувватланади;

3. Аввал бобнинг мазмунига айнан мувофиқ бўлган ҳадисларни келтирган, кейин бобдаги умумий мазмунни ифода этган ҳадисни келтирган;

4. Баъзи ҳадисларни шарҳ қилган ва улардан чиқадиган хулосаларни берган [1:II:522]. Ҳатто олимлар орасидаги хилофли жиҳатларни, уларнинг сабабларини ҳам келтирган. Ҳанафийларнинг кучли фикрларини зикр қилган. Шу билан бирга ҳадис, ишончли осорлар ва кучли қавлларни келтириб, охири ўз хулосасини берган, баъзи ўринларида шунга фатво берилган, деб ўтган;

5. Ўз наздида фикҳий масалаларни шарҳ қилишда имомларнинг сўзларидан аъло деб билганларини келтирган [1:I:~]. Масалан, бир боб ичидаги бир неча ҳадис келтиргандан кейин унинг шарҳи сифатида, ҳанафий олимларнинг фикҳий китобларидан, хулоса келтиради. Бу билан ҳадисни ҳанафий олимлар қандай тушунганларини беради [1:IV:26]. Бироқ баъзи ўринда фалон китобда, деб келтиради, аммо қайси олимнинг китоби эканини зикр қилмайди ёки китобни ва муаллифини келтиради [1:III:142].

Айниқса, муйаян мавзудаги ҳадислардан кейин шарҳ қилиш ўрни бўлса, ҳадислардан кейин фикҳий китоблардан иқтибос келтирган. Бу ҳолат ҳадисларни яхши тушунишга ёрдам беради [7].

Абул Ҳасанот Ҳайдарободий «Зужожат ал-масобих» асарини «Мишкот ал-масобих»

услубида ёзгани учун фақат икки жиҳатдан фарқланади. Бири «Мишкот ал-масобих»да шофеий мазҳабида ишлатиладиган ҳадислар жамланган бўлса, «Зужожат ал-масобих»да ҳанафий мазҳабида қўлланиладиган ҳадислар жамланган. Иккинчиси эса, Хатиб Табризий «Мишкот ал-масобих»да бир масалани уч қисмга ажратиб кенгайтириб жамлаган бўлса, «Зужожат ал-масобих»да бир масалага оид ҳадислар бир қисмда жамланган [9].

Бир қатор олимлар бу «Зужожат ал-масобих» асарини ижобий баҳолаганлар. Улардан ҳофиз, муҳаддис шайх Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирийнинг (ваф. 1352/1933 й.) сўзларини келтиришнинг ўзи етарли деб ҳисоблаймиз. Унда шундай дейилган: «Дарҳақиқат, бу ушбу янги асрнинг зикр қилинадиган, мақтаса арзийдиган яхши асаридир. Шундай экан, ҳадис фанида таълиф этилган энг муҳим китоблардандир. Аллоҳ яхшилик билан мукофотласин» [1:I:~].

Олимлардан Муҳаммад ибн Абу Наср Футуҳ Абу Абдуллоҳ Ҳумайдий Андалусий Қуртубий (ваф. 488/1095 й.), Абдулҳақ ибн Абдурахмон Абу Муҳаммад Ишбилиий (ваф. 581/1185 й.), Муҳаммад ибн Ҳасан Марий (ваф. 582/1186 й.), Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Абу Фазоил Санъонийнинг (ваф. 650/1252 й.) «ал-Жамъ байн ас-саҳиҳайн» асарларини ёзганлар. Бу асарлар «кутуб ал-жамъ» туридаги асарлар. Бу араб тилида жамловчи китоблар маъносини билдиради. Бундай китобларнинг муаллифлари икки ёки бир неча китоблардаги барча ёки танлаб олинган ҳадисларни алоҳида китобга жамлайдилар [5:125]. «Зужожат ал-масобих» асарини ҳам шулар қаторига қўшиш мумкин.

Шу билан бирга эътироф этилган тўрт фикҳий мазҳаб олимлари томонидан ҳам ўз мазҳабида ҳужжат сифатида ишлатиладиган ҳадисларни жамлашга ҳаракат қилганлар. Шундай асарлардан бири Хатиб Табризий (ваф. 741/1340 й.) томонидан ёзилган «Мишкот ал-масобих»дир.

Олимнинг тўлиқ исми шайх Валийуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хотиб Амрий Табризий. Олимнинг нисбаси

Эрондаги Табриз шаҳрига нисбат берилган. Олим ҳақида манбаларда маълумотлар жуда кам, шунинг учун туғилган санаси номаълум [1:II:144]. Уламолар Хатиб Табризийни илм ва солиҳ сифати билан зикр қиладилар. Уни, шайхи аллома Ҳасан ибн Муҳаммад Тибий, авлиёларни давомчиси солиҳларни юлдузи, деган. Мулла Али Қорий «Мирқот ал-мафотих» китобини муқаддимасида, мавлойимиз, алломалар донишманди, ҳақиқатларни зоҳир қилувчи, дақиқ нарсаларни равшан қиливчи, тақвадорларни шайхи, деган [2:14]. Мазкур келтирилган фазилатлардан унинг даражасини билиш мумкин.

«Мишкот» асари ўзининг ёзилиши, тартиби, ўқувчи учун қулайлиги ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради. Шунингдек, муаллиф бу асарда ҳадисларни бевосида ўзи ровийлардан эшитмай, балки аввалги муҳаддисларнинг асарларидан саралаб олган ҳадисларни жамлаган. Масалан, имом Бухорийнинг «Саҳиҳ» асарида олган ҳадисини «Бухорий ривояти», деб келтиради ва бошқа муҳаддисларнинг ривоятларига ҳам шундай услуб қўллаган. Шу билан бирга ҳадисларнинг тўлиқ иснодини зикр қилмай фақат саҳобийни қолдирган [4:II:100].

Бу «Мишкот» асари Ўзбекистон ҳудудида ҳам ҳозиргача мадрасаларда асосий адабиёт сифатида ўқитиб келинади. «Мишкот» китобини ўқитиб келиниши сабабларидан бири унга ҳанафий олимларидан Али Қорий (ваф. 1014/1605 й.)нинг «ал-Мирқот ал-мафотих» номли шарҳ ёзганини айтиш мумкин. Унда ҳадиснинг сўзи бирма-бир, бобма-боб шарҳ қилинган ҳамда луғавий жиҳатларга ҳам эътибор қаратилган [3:24] ва қулай тарзда берилган, шунингдек, ҳанафий мазҳаби қарашларини баён этган. Шу сабаблардан «Мишкот»га ёзилган шарҳлар орасида фойдаси энг кўпи дейиш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Хатиб Табризий ўзининг «Мишкот» асарини муҳаддис ва фақиҳ олим бўлган Ҳусайн ибн Масъуд Фарро Бағавийнинг «Масобих ас-сунна»си асосида ёзган ва унга кўпгина

ҳадислар ҳамда боблар қўшган. «Масобих ас-сунна» асарини ёзишда олим ривоят илмига оид машҳур манбаларга таянган. Жумладан, сиҳоҳи ситта, имом Моликнинг «Муватто», имом Аҳмаднинг «Муснад», имом Доримийнинг «Сунан», имом Шофеийнинг «Муснад», имом Абдураззоқнинг «Мусаннаф» ва бошқа Табароний, Байҳақий каби олимларнинг қатор китобларидан манба сифатида фойдаланган [6].

Имом Бағавий ўзининг «Масобих ас-сунна» асарида ҳадис ровийларидан фақат саҳобийни зикр қилган ҳолда ёзган. Шу жиҳатдан олим ҳадисларни икки қисмга саҳиҳ ва ҳасанга бўлди. Саҳиҳ қисми шайхондан (имом Бухорий ва имом Муслим) ёки икковларини биридан ривоят қилинган ҳадисларни ўз ичига олади [10]. Ҳасан қисми эса қолган тўртовларидан (имом Абу Довуд, имом Термизий, имом Насоий ва имом Ибн Можа) ва имом Аҳмад, имом Доримий, имом Байҳақий, имом Шофеий ва бошқалардан ривоят қилинган ҳадисларни ўз ичига олади. Ҳадисларининг аксарияти саҳиҳ ҳисобланади. Заиф, мурсал, мансух, иллатли, мункар ҳадисларни заруратдан келтирган ва уларни баён қилиб, шарҳлаган [3:8]. Бу муҳаддисдан олдин ҳадис уламолари ўз асарларини бу услубда тасниф қилмаган. Китобни илм аҳли ва омма бирдек қабул қилди ва натижада уламолар унга мухтасар, шарҳ, таҳрижлар ёздилар [3:7]. Булардан ташқари имом Табарийнинг «Тафсир»и, фикҳдан имом Шофеийнинг «ал-Умм», тарих китоблардан Хатиб Бағдодийнинг «Тарих Бағдод» асарларидан ҳам фойдаланган. Ҳайдарободий эса, Хатиб Табризий асарига, Хатиб Табризий эса, Бағавий асарига таянган ҳолда ёзган.

Ҳайдарободий ҳам асарида ҳадисларни келтиришда сиҳоҳи ситта ва бошқа муҳаддисларга таянган, ва, айниқса, ҳанафий олимлардан ҳадислар келтирган. Масалан, имом Муҳаммад (ваф. 189/804 й.), Абу Юсуф (ваф. 182/798 й.), Таҳовий (ваф. 321/933 й.) ва бошқалар. Шу билан бирга имом Бухорийдан аввал яшаб ўтган Ибн Абу Шайба, Абдураззоқ каби олимларнинг асарларидан ҳам ҳадислар келтирган. Айниқса, «Мишкот» асарига

ёзилган «Мирқот» номли шарҳдан ҳам унумли фойдаланган [8].

Бағавийнинг «Масобих» асари асосида Хатиб Табризийдан ташқари Муҳаммад ибн Шарафуддин ибн Иброҳим Сулабий Муновий (ваф. 748/1347 й.) «Кашф ал-минҳож», Муҳаммад Идрис Кандеҳлавий «ат-Таълиқ ас-сабих» асарларни ёзганлар. Чунончи Али Қорийнинг «Мирқот ал-мафотих» асари ҳам «Масобих»га ёзилган шарҳ дейиш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бу асар ҳанафий олимларининг минг йилдан бери амалга оширилмаган ишини рўёбга чиқарган жуда қулай ва фойдали асардир. Чунончи бу китобни нашрга тайёрлашда ҳадисларга рақам қўйилган ва заомнавий тартибга келтирилганлар. Бу асар «Шарҳ саоний ал-осор», «Эҳё ас-сунан», «Эъло ас-сунан», каби ҳанафий мазҳаби фикҳда ишлатиладиган ҳамда бир неча асрлар давомида амал қилиниб келинадиган ҳадисларни жамлаган ва шарҳлаган китоб.

Шу билан бирга «Мишкот ал-масобих» асарининг ўрнида ўқилиши лозим бўлган манба ҳисобланади. «Зужожа»ни ўқиган киши ҳадисларга шарҳни ҳам топади, бошқа китобларни кўришга ортиқча эҳтиёж сезмайди.

Ҳайдарободийнинг «Зужожат ал-масобих» асарини Ўзбекистондаги ислом билим юрларида ўқитилиши фойдадан холи бўлмайди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абул Ҳасанот Ҳайдарободий. Зужожат ал-масобих. – Карачи: ал-Бушро, 2015. – Т. 1. – Б. 634.
2. Али Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ мишкот ал-масобих // таҳқиқ Шайх Жамол Айтоний. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. – Т. 1. – Б. 14.
3. Бағавий. Масобих ас-сунна // таҳқиқ: др. Юсуф Абдурахмон ва бошқ. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1987. – Ж. 1. – Б. 24.
4. Табризий. Мишкот ал-масобих // таҳқиқ Саид Муҳаммад. – Байрут: Дор ал-фикр, 1991. – Т. 1. – Б. 122.

5. Муратов Д. Ҳадис тўпламларининг қиёсий таҳлили. – Т.: Комплекс Принт, 2019. 144 б.
6. https://ar.wikipedia.org/wiki/بابصملا_تاكشيم
7. Muratov, Doniyor Mr (2019) "The Role on the Companions in the Science of Hadith," The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 2. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss4/2>.
8. Rakhimjanov D., Karimov M. Abu Hafs Nasafi and Science of Hadith // European Multidisciplinary Journal of Modern Science: <https://emjms.academicjournal.io/index.php/Volume:4.03.2022>.
9. Муратов Д. Мустадрок ва мустахраж туридаги асарлар. Ислом тафаккури. 2021. № 1. – Б. 14-17.
10. Муратов Д. «Саҳих» ҳадис тўпламлари хусусида. Диншуносликнинг дол-зарб муаммолари. 11-тўлам. – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019. – Б. 66-67.